O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 10 феврал, пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 29 (2326)

**Бедор ўй**

*Биз бугунни эмас, эртанги истиқболни ўйлаб яшашимиз керак. Ўз келажагимизни аниқ ва равшан тасаввур этишимиз, эртани кўзлаб, бугунги мавжуд муаммоларни зудлик билан ечишимиз даркор. ...Эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш — бу бизнинг олға интилишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир.*

**Ислом КАРИМОВ.**



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 феврал куни Оқсарой қароргоҳида АҚШнинг "Ньюмонт майнинг" компанияси директорлар кенгаши раиси ҳамда бош ижрочи директори Рональд Кэмбри раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Юртимизнинг мазкур компания билан ҳамкорлигига 1992 йили асос солинган эди. 1995 йилда эса "Зарафшон-Ньюмонт" қўшма корхонаси ишга туширилди. Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов ўзаро ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнуният билдириб, айниқса, 1999 йил якунларидан зўр қониқиш ҳосил қилиш мумкинлигини қайд этди.

Маълумотларга қараганда, қўшма корхона бу йил олинган кредитлар бўйича мажбуриятлардан тўла қутулиб, дивиденд бера бошлайди. Меҳмонларнинг галдаги режалари эса сармоя ҳажмини янада ошириш билан боғлиқ.

Суҳбат чоғида ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш борасида ўзаро фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайти.**
**А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз" маърузасида ўртага қўйилган вазифалар асосида "Миллий мафкура концепциясини шакллантириш" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.*

## МИЛЛИЙ МАФКУРАНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев йиғилишда сўзга чиқиб, Юртбошимизнинг маърузасида халқимизнинг орзу-истаклари ва миллий ғояни шакллантиришнинг аниқ йўллари белгилаб берилганини, миллий мафкуранинг мазмун-моҳиятини оммага, айниқса, ёшлар тафаккурига сингдириш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаётганини таъкидлади.

Семинарда жамиятимиз тараққиётини белгилайдиган асосий омилларнинг моҳияти, инсоният маънавий ҳаётига, илм-фанга юксак ҳисса қўшаётган миллий фалсафамиз жаҳон фалсафаси билан уйғун ҳолда кишиларда эзгулик туйғусини тарбиялашга хизмат қилаётганига эътибор қаратилди. Бугунги кунда олий ўқув юртлари, академик лицей ва коллежлар, мактабларда ўқитиладиган жамиятшунослик фани дастур ва дарсликларини миллий ғоямиз асосий концепцияларига мувофиқ тарзда янада такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**



Ўзбек адабиётининг асосчиси, буюк мутафаккир Алишер Навоий билан бизни салкам беш юз олтмиш йиллик вақт ажратиб туради. Аммо шеърият султонининг ижодига мансуб ҳар бир сатр бугунги кун, бугунги ҳаёт билан жуда ҳамоҳанг.Зеро,эзгулик ҳеч қачон қадрини йўқотмайди.

## МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида буюк бобокалонимизнинг улкан мероси ҳақида гапирар экан, унинг асарларини янада кенгроқ ўрганиш, эъзозлаш ва тарғиб қилиш маънавий бурчимиз эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, миллий қадриятларимизни, маънавиятимизни Ҳазрат Навоийнинг ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. У — миллий ғуруримиз, фахримиз ва юксак маънавиятимиз рамзидир.

Қувончлиси, Навоийнинг адолат асосига қурилажак давлат, эрк-озодлик, комил инсон борасидаги орзулари истиқлолимиз шарофоти билан ҳақиқатга айланиб бормоқда.

Шу боис бугун бутун мамлакатимизда буюк мутафаккир таваллудининг 559 йиллиги зўр тантана билан нишонланмоқда. Меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, кутубхона ва бошқа илм-маърифат масканларида ушбу санага бағишлаб қизиқарли учрашувлар, навоийхонлик кечалари бўлиб ўтаётир.

Улуғ шоир таваллуд топган кун — 9 февралда эрталабданоқ унинг муборак номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғи ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, маданият ва санъат арбоблари, ўқув юртларининг талабалари, жамоат ташкилотлари ва пойтахт меҳмонлари, адабиёт мухлислари билан гавжум бўлди.

Анжуманни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Э.Воҳидов, навоийшунос олим Н.Комилов ва бошқалар Навоийни англаш, унинг бебаҳо меросини ҳар томонлама ўрганиш адолатли давлат ва жамият қурилишида, комил инсонни тарбиялашда бебаҳо восита бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

Тадбир қатнашчилари Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

**(ЎзА)**

## НЕМИС ИШБИЛАРМОНЛАРИ ТОШКЕНТДА

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия машинасозлик корхоналари Иттифоқи делегацияси иштирокида симпозиум бўлиб ўтди.**

Тадбир бошида делегация раҳбари Р.Фестге сўзга чиқиб, мазкур Иттифоқнинг Марказий Осиёдаги Бюроси расман очилганини маълум қилди. Айтиш жоизки, бу Ўзбекистон ва Германия ишбилармонлари учун муҳим воқеа бўлди. Ушбу Бюро икки давлатнинг ишлаб чиқариш корхоналари бевосита ҳамкорлик қилиши учун қулай имкониятлар яратиб беради. Марказий Осиё минтақасида қурилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи корхона ва фирмалар Бюро орқали немис ишбилармонлари билан доимий алоқада бўлиб, машинасозлик борасида ўзаро ахборот алмашиб туриши, турли буюртмалар бериши мумкин. Айни пайтда Ўзбекистонга замонавий қурилиш машиналари, бинокорлик материаллари тайёрлайдиган ускуналари зарур. Шундай экан, Германиянинг илғор тажрибаси ана шу талаб ва эҳтиёжга тўла жавоб бера олади. Шу боис ҳукуматимиз ҳам немис машинасозлик корхоналари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйишни қўллаб-қувватлаётир.

Симпозиумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Исаев, шунингдек, вазирликлар, корхона ва фирмалар, идоралар ҳамда бошқа муассасалардан 150 нафарга яқин вакиллар иштирок этди.

Таъкидланганидек, Тошкентда очилган Бюро ҳамкор томонларни бир-бирига боғловчи муҳим ришта бўлади. Германия машинасозлик корхоналари Иттифоқи ҳамда Немис иқтисодиётининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси тақдим этган бундай имконият мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, бунёдкорлик ва қурилиш ишлари учун муҳим аҳамиятга эга.

Германия машинасозлик корхоналари Иттифоқи таркибида 3000 та фирма ва компания фаолият кўрсатади. Машинасозлик бўйича Иттифоқ чиқарадиган маҳсулотлар умумий экспортнинг 65 фоизини ташкил қилади. Унинг савдо маблағи 90 фоизга етган. Жаҳон бозорида нуфузли ўринга эга бўлган илғор немис технологияси билан яқинроқ танишиш мақсадида симпозиум доирасида немис корхоналари фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи кўргазма ҳам ўтказилди. Унда турли бино ва иншоотлар, йўл ва каналлар, ер ости туннелларини қуриш, хомашё қазиб олиш, цемент, оҳак қориш ва бошқа ишларга мўлжалланган машина ва ускуналар билан танишилди.

**(ЎзА)**

**Қорақалпоғистон**

## ОРОЛБЎЙИДА — БУЮК БРИТАНИЯ СИНФИ

Нукусдаги «Прогресс» тил ўрганиш марказида махсус Буюк Британия синфи очилди. Унда қорақалпоғистонлик ўсмирлардан бир гуруҳи инглиз тилини чуқур ўрганиш билан биргаликда Буюк Британия тарихи, этнографияси, иқтисодиётига оид қўшимча билимларни олади.

Синфни жиҳозлаш ишига, уни тантанали равишда очиш маросимида иштирок этган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ингэм Кристофер жаноблари яқиндан кўмаклашди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.**

**Сирдарё**

## ҚАЛАМКАШ ТАҚДИРЛАНДИ

Элмурод Мавлонов, Холиқул Сагизов, Лазизхон Носиров, Холида Пардабоева, Владимир Аристов, Бозорбой Бекмуродов сингари қаламкашларни Сирдарё вилоятида газетхонлар яхши билишади. Уларнинг бири журналист бўлса, иккинчиси шифокор, яна бири эса ўқитувчидир.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ер ва сув, ҳавонинг тозалигини сақлаш, ҳайвонот ва ўсимликлар оламини асраш, тозалик ва ободончиликка эришиш, экологик билимларни тарғиб қилиш ҳақида ёзилган энг яхши мақола, лавҳа ва очерклар учун танлов эълон қилган эди. Беш минг сўмдан 25 минг сўмгача бўлган мукофотлар номлари тилга олинган қаламкашларга тантанали суръатда топширилди.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бу йил мукофот жамғармасини 200 минг сўм қилиб белгилади. Танловда нафақат сирдарёликлар, балки республикамизнинг барча қалам аҳли ўз асарлари билан фаол иштирок этиши мумкин.

**А. ХОНИМҚУЛОВ.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси иккинчи йиғилишининг очилиши тўғрисида

**Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши 2000 йил 11 феврал куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 10 феврал соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.**

**Эркинлаштиришни сиз қандай тушунасиз?**

## АВВАЛО, ЎЗИНГИЗГА ФОЙДА

**Омон Шерқулов бош чўпон. Отарида 722 бош қўй бор.**

**— Бир совликни бир ой боққанимиз учун 21 сўм оламиз. Ҳар ойда ўртача 14-15 минг сўм бўлади. Бу 3 кишига бўлинади, — дейди у.**

**— Оз-ку?**

**— Бош чўпонлигим, 40 йилдан бери узлуксиз чўпон бўлиб ишлаётганим ва унвоним учун ҳам қўшимча ҳақ тўлашади. Етади, — мийиғида кулиб қўяди у. — Қолаверса, ҳар йили 30-40 та қўзини мукофотга беришади. 3-4 йилда у ҳам юздан ошади-да. Биттасини сотсак, фалон пул. Етади-да...**

Чўпон ўз ҳаётидан мамнун. Бу гап-сўзлар Учмула яйловида бўлиб ўтганди. Яйловдан қайтгач, бош иқтисодчи Эгам Турсунов билан қоғоз титамиз. Маълум бўлишича, бош чўпон Омон Шерқулов шартномага кўра ўтган йили 6 миллион 486 минг сўмлик маҳсулот бериши керак экан. Амалда у 6 миллион 721 минг сўмлик маҳсулот топширган. Шунинг учун 216 минг сўм иш ҳақи олган. Бош чўпонлиги учун 15 фоиз, узлуксиз иш стажи учун 20 фоиз, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» бўлганлиги учун 25 фоиз яна қўшимча ҳақ тўланган. Шартномани ошириб бажарганлиги учун ўртача даромадининг 30 фоизи миқдорида мукофот берилган. Боз устига 31 бош қўзи ҳам олган.

— Энди ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг, — дейди бош иқтисодчи Эгам Турсунов. — Чўпонларимиз қандай яшаётганлигини.

Худога шукур, нолийдиган жойи йўқ. Яна бир нарсани айтиш эсимдан чиқибди. Омон Шерқуловга арзон нарҳда 50 килограмм пахта ёғи, 600 килограмм буғдой берилган. Иссиқ кийим-бош билан таъминланган. Ойма-ой маошини қуртдек санаб олиб турибди. Яна нима керак?

— Яна кўп нарса керак, Эгамбой, — дейди «Апшон» қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Зиёқул Зиёдуллаев. — Президентимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида ва Идоралараро кенгашдаги маърузаларини эшитмагандай, ўқимагандай гапирасан-а... Ахир иқтисодиётни эркинлаштиришни бизга мустақиллик бераяпти. Бу дегани — тадбиркорлик қил, ташаббус кўрсат, дегани. Бунинг учун имконият, ҳуқуқий асос борми? Бор. Демак, биздан нима талаб қилинади? Ишлаш. Лекин ишлаганда ҳам ишнинг кўзини билиб ишлаш лозим. Йўқса, фойда олиб бўпсан. Энди замон бошқа, давр бошқа. Чўпонлар ҳам энди бошқача яшашни хоҳлашади. Тўғри-да, умри яйловда, қўй ортидан эргашиб ўтиб кетиши керакми? Шунинг учун кўп нарса керак. Уларни ким қилиб беради? Сиз билан биз — хўжалик раҳбарлари.

Маълумотларга назар ташлаймиз. Ўтган йили хўжаликда 120 миллион сўм даромад олинди. Шундан 12 миллион 100 минг сўми соф фойда бўлди.

— Бунинг 46 миллион 876 минг сўми деҳқончиликдан келган, —таъкидлайди Зиёқул Зиёдуллаев.

— Хўжалик чорвачиликка ихтисослашган эмасми?

— Тўғри, — маъқуллади у. — Лекин биз бултур 675 гектар ерга ғалла экиб, гектар ҳисобига 22 центнердан ҳосил олдик. Шу туфайли арпа ўзимиздан чиқди. Натижада, омихта емни деярли сотиб олмадик. Қолаверса, хўжалик аъзоларини, ўқитувчилару дўхтирларни имтиёзли нарҳда ғалла билан таъминладик. Ўтган йили 144 гектар ғўза майдонидан ҳам гектар бошига 22 центнердан ҳосил етиштирдик. Шу боис 20 тонна пахта ёғи, 60 тонна кунжара, 60 тонна шелуха олдик. Аъзоларимиздан ташқари 150 ўқитувчига арзон нарҳда ёғни шу ҳисобдан тарқатдик. Қарийб бир миллион сўмга мактабни таъмирдан чиқардик. 300 минг сўмга дарслик олиб бердик. Бу ниманинг ҳисобига? Пахта экканимиз учун. Йўқса, бизни биров пахта эк, деб мажбур қилгани йўқ. Ер бор, сув бор. Ишчи кучи етарли. Қолаверса, алмашлаб экишга ҳам яхши. Ғўза ўрнига экилган ғалла зўр ҳосил беради. 219 гектар бедапоямиз бор. Пахта-беда-ғалла алмашлаб экиш усули соз экан. Яна мен сизга айтсам, биз сабзавот етиштиришдан 2 миллион 168 минг сўм, полиздан 2 миллион 600 сўм даромад кўрдик. Бўлмаса, юқорида айтганимдек, буларни эк, етиштир, деб ҳеч ким кўрсатма бергани йўқ. Ўзимиз имкониятдан келиб чиқиб, ҳаракат қилаяпмиз.

— Лекин сизларнинг асосий юмушларингиз чорвачилик, тўғрими?

— Тўғри, бу ишлар билан бўлиб, чорва қолиб кетаяптими, демоқчисиз-да? Йўқ... — кулади у. — Бултур гўшт етиштиришдан 49 миллион 400 минг сўм, қоракўл теридан 12 миллион 100 минг сўм, жундан 3 миллион 378 минг сўм даромад кўрдик. 11 миллион 360 минг сўм соф фойда олдик. Бу харажат камайганлиги, маҳсулот таннархи арзонлашганлиги учун. Мисол учун айтай. Режа бўйича 560 тонна ёнилғи сарфлашимиз керак эди. Биз 423 тонна сарфладик. Шунинг ўзидан 2 миллион 900 минг сўм тежалди. 111 тонна ўрнига 81 тонна бензин сарфладик. Бунга қандай эришдик? Чек тизимига ўтдик. Ҳар бир ижарачига харажат нормаси ёзиб берилган. Бундан ташқари, биз ўзимизда бор техника воситаларидан фойдаланаяпмиз. Четдан олмаяпмиз. Асосийси, йил сайин маҳсулдорлик ошмоқда. Масалан, дон ҳосилдорлиги 1998 йилга нисбатан 5,8 центнер, пахта 3 центнерга ошди. 100 бош қўйдан 99 бош эмас, балки 104 бош қўзи қолдирилди. Бу 69 фоиз эмас, 78 фоиз қўзи ўстириш учун қолдирилди, деган гап. Яъни, ҳар йили 21-22 минг қўзи отарга қўшилаверади. Шу тариқа биз 3-4 йил ичида қўйлар сонини 50 мингдан 70-80 минг бошга етказамиз. Бу — кони фойда деган гап. Чунки ўстиришга қўзи қолса, нақд пул-да. Бир дона тери — 1200 сўм. Қўзини боқиб, кейин бозорга чиқаринг... Ўзингиз биласиз, бозорда мол пул. Ўтган йили бор-йўғи 8 мингта қоракўл тери сотдик. Шундан 3 миллион сўм энди ҳисобимизга келиб тушади.

Хуллас, мен сизга айтсам, 1996 йил ноябрида мен хўжаликни 57 миллион сўм қарзи билан қабул қилувдим. Худога шукур, энди қарзимиз йўқ. Аммо ҳали хўжалигимиз аъзолари олдида қарзимиз кўп. Ҳали кўп иш қилишимиз керак. Ахир замонга қараб қадам босмаган киши йўлдан адашади.

Раисниг ўз ишидан қониқмаслиги менга ёқди. Айниқса, унинг янги иш ўринлари очиш учун қилаётган ҳаракати маъқул бўлди.

Тикув цехи ишга тушибди. Айтишларича, Гулшод Намозова бошлиқ 3-4 тикувчи қиз 40 та отардаги 120 чўпонни пахталик шим, пиджак билан таъминлаяпти. Энди шу билан қаноатланиб қолиш мумкинмаслигини англаган хўжалик раҳбарияти «Бухоротекс» билан шартнома тузиб, газлама олиш ҳаракатини қилаяпти. Бу амалга ошса, иш кўлами кенгаяди, энг муҳими маҳсулот тури кўпаяди.

Қурилиш материаллари цехи ишга тушгани ҳам яхши бўлди.

Жун арзон, бозори ҳам чаққон эмас. Аммо хўжалик раҳбарлари бунинг ҳам йўлини топди. Кигиз босиш йўлга қўйилди. Ҳар йили 1,5-2 мингта кигиз тайёрлаб сотилмоқда. Ҳар донаси — 2 минг сўм. Биттасига 10 килодан жун, қарийб 1000 сўм харажат кетаркан. Битта кигизнинг ўзидан минг сўм ёнга қоларкан. Жун ҳолида сотилса, 10 килограмм жун 300 сўм бўларкан. Яна 35-40 кишининг иш билан банд бўлишини айтмайсизми? Агар рангли кигиз тайёрлаш йўлга қўйилса, янаям унинг бозори чаққонлашади, нархи кўтарилади. Бу ҳозирги бўладиган гап. Хўжалик маъмурияти эса узоқни кўзлаб турибди. Жунни қайта ишлайдиган қўшма корхона очиш фикри ҳам йўқ эмас. Фақат бу соҳада уларга туман, вилоят раҳбариятининг ёрдами зарур.

Хуллас, излаган имкон топади. Аслида, иқтисодий эркинлаштиришнинг маъно-моҳияти ҳам хўжалик субъектларига берилган эркинлик, мустақилликдан эмасми? Хўш, бу имкониятдан ким қандай фойдаланади? Албатта, бу кадрларга, уларнинг ақли, фаросати, билими, тажрибаси, интилиши, изланишига боғлиқ. «Нишон» хўжалигида қишлоқларнинг 100 фоиз газлашгани ҳам шундан. Янгидан қурилган уй-жойларга 1 километрлик газ қувури тортилгани ҳам имкониятлардан тўғри фойдаланилаётганлигини кўрсатиб турибди. Бу одамларга қандай таъсир кўрсатмоқда? Уларнинг турмуш даражаси, оиласининг фаровонлиги, энг аввало, ўзларига боғлиқ эканини англаб етдилар. Бу эса энг катта гап. Энди уларни тўхтатиш қийин, фақат олдинга интиладилар. Шу туфайли Хуррам Эшмуродов, Гулсара Жўраева ғалла ҳосилдорлигини шартномадагига нисбатан 6-8 центнерга оширдилар. Фахриддин Ҳусаинов 10 гектар ерга ғалла экиб, 22 центнер ўрнига 36 центнердан ҳосил олиб, 1 миллион 378 минг сўм даромад кўрди. Ойлик маошлари, берилган бўнакдан ташқари, йил охирида 133 минг сўм қўлга тегди. Энди унга тарғибот керакми? Йўқ.

Ўзбек пул топса, тўй қилади. Бу яхши. Лекин хўжалик маъмурияти энди пулнинг ўринли сарфланиши учун ҳам қайғурмоқда. Тўғри-да, чўпон ҳамма қулайликларга эга бўлган уй-жойда яшаса, унга ҳамма имкониятлар яратилса, замонавий алоқа воситаларига эга бўлса, нимаси ёмон? Булар бўладиган гап. Фақат бошқариш ва йўналтириш керак. Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги «Нишон» қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалиги раҳбарияти, хусусан, бошқарув раиси Зиёқул Зиёдуллаев шундай ташкилотчилик қобилиятига эга. Мутахассислиги иқтисодчи бўлган, ўн йил иқтисодчилик қилган, ферма мудири бўлган бу одамнинг орзулари кўп. Ҳаммаси одамлар манфаати учун.

— 9-синфдалигимда чўпонларга ёрдамга олиб чиқишди, — эслайди у. — Шунда бир воқеанинг гувоҳи бўлганман, сира кўз олдимдан кетмайди. Қўйларни ҳайдаб кетаяпмиз. Шу десангиз, бир бўғоз совлиқ таппа йиқилди-ю, жон берди. Чўпон дарҳол унинг қорнини ёриб, 4 та қўзини олди ва деди:

— Давлатнинг планини оқлади жонивор. Ҳе, қуриб кетсин СЖКси ҳам...

Ҳа, бир пайтлари давлатнинг планини бажариш учун жониворларгина эмас, одамлар ҳам жонини берганлиги сир эмас. Энди эса давлатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, одамлар янада фаровон яшаши учун ҳамма шароит яратилмоқда. Қани, айтинг, қайси замонда, қаерда шундай қилинган?

Ростдан ҳам раис ҳақ гапни айтаётир. Шундай экан, келинг, яхши ишларга бош қўшинг. Изланинг, ташаббус кўрсатинг. Бундан, аввало, ўзингиз, оилангиз, кейин қўни-қўшнингиз, юртингиз наф кўради.

**Назрулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА КОНФЕРЕНЦИЯ

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида "Марказий Осиё минтақасидаги қуролли зиддиятлар ва уларнинг ҳарбий санъат ривожига таъсири" мавзусида илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади.**

**Конференция ишида мамлакатнинг барча ҳарбийлашган вазирликларининг генерал ва офицерлари, Ташқи ишлар, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти вакиллари иштирок этмоқда.**

Бундан ташқари, конференцияда МДҲ давлатлари ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликни мувофиқлаштириш бўйича штаб вакиллари, АҚШ, ГФР, Франция, Туркия, Украина, Хитой ва Россиянинг ҳарбий атташелари ҳам қатнашмоқда. Конференциянинг асосий мақсади Марказий Осиёда юз бераётган ҳарбий зиддиятларнинг моҳиятини ҳамда террорчи жиноятчи тўдаларнинг тактик ҳаракатларини ўрганиш, яқин орада юз бериши эҳтимоли бўлган воқеаларни тахмин қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига таҳдидни бартараф этишга қодир ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Дастлабки ялпи мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси масалаларига, Марказий Осиё минтақасидаги ҳозирги вазият, миллий хавфсизлик, шунингдек мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги гарови бўлган Қуролли Кучларни ривожлантириш масалаларига тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-полковник Ҳ.Турсунов "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва XXI аср бўсағасида уларни ривожлантириш" мавзусида маъруза қилди.

Конференцияда қайд этилганидек, ҳозирги пайтда Марказий Осиё минтақаси халқаро террорчилик, диний экстремизм ва мутаассибликни ёйиш, минтақа мамлакатларини ўзлари танлаб олган демократик йўлдан қайтаришга уринаётган экстремистик кайфиятдаги кучлар ва диверсион-бузғунчи марказларнинг жинояткорона интилишлари объектига айланиб қолди. Бундай шароитда давлатнинг асосий вазифаси мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини ишонч билан, самарали тарзда ҳимоя қилишга қодир чаққон, яхши таъминланган ва жиҳозланган Қуролли Кучларни барпо этишдан иборат. Армияни, мамлакат чегара ва ички қўшинларини ягона давлат сиёсати асосида босқичма-босқич, тартиб билан ислоҳ қилиш зарурлигига ҳам эътибор қаратилди.

Конференция қатнашчилари шунингдек, "Ўзбекистон иқтисодиёти ва янги минг йилликда уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари", "Минтақада барқарорликни таъминлашнинг халқаро муаммолари", "Ислом экстремизми — минтақада ҳарбий зиддиятлар манбаи" мавзусидаги ва бошқа маърузаларни ҳам тинглайди.

Конференцияда бу муҳим вазифаларни ҳал этиш доирасида Қуролли кучларни босқичма-босқич ислоҳ қилишнинг ҳолати кўриб чиқилиб, бу ислоҳотларнинг самарадорлигини янада ошириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади, Марказий Осиёдаги ҳозирги мавжуд шароитда қисм ва қўшилмалар штат тузилмасининг энг мақбул шакллари таҳлил этилади.

Конференцияда шахсий таркибнинг тайёргарлиги доирасида жанговар тайёргарликни жиддий тарзда ошириш тадбирлари ҳам ишлаб чиқилади. Конференция доирасида ялпи мажлислар ва гуруҳларга бўлинган ҳолда семинар машғулотлари ўтказиш режалаштирилган.

**Т. БОТИРБЕКОВ.**

Бухоро вилоятида қўшма корхоналар сони яна иккитага кўпаяди. "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамиятига қарашли Қоракўл туманидаги йигирув фабрикаси негизида "Қоракўлтекс" (Ўзбекистон-Америка) ва Вобкент туманидаги йигирув фабрикаси негизида "Митатекс" (Ўзбекистон-Россия) қўшма корхоналари тузиладиган бўлди. Бу ҳақдаги тегишли меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилди.

## ҚЎШМА КОРХОНАЛАР КЎПАЯДИ

"Бухоротекс" ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Неъмат Ҳамроевнинг ЎзА мухбирига маълум қилишича, "Қоракўлтекс"нинг таъсис жамғармаси 5 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, у йилига 3800 тонна калава ишлаб чиқариш имкониятига эга. Маҳсулотнинг 80 фоизи хорижга экспорт қилинади.

Вобкент туманида ташкил этиладиган "Митатекс" қўшма корхонасининг таъсис жамғармаси эса 4,5 миллион долларга тенг бўлади. Унда йилига 1060 тонна калава ишлаб чиқарилади. Тузилган шартномага мувофиқ маҳсулотнинг 60 фоизи экспорт қилинади.

Икки корхонани ҳам истиқлолнинг 9 йиллик байрами арафасида ишга тушириш мўлжалланмоқда.

**Илҳом САФАР.**

**ЎзА мухбирлари.**

Асаларичилик истиқболлари

# ҲАМ БОЛ, ҲАМ ШИФО

**Асаларичилик – муҳим соҳа. У азал-азалдан шундай бўлиб келган, ҳозир ҳам, келажакда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Асаларичилик нафақат қишлоқ хўжалигида, балки халқ табобатида ҳам муҳим ўрин тутади. Афсуски, бу соҳа узоқ йиллар давомида эътибордан четда қолиб келди. Қачонки, мустақилликка эришилгач, «Асал» уюшмаси ташкил этилиб, тармоқда муайян жонланиш, бурилиш бўлди. Республика «Асал» уюшмаси раиси Абдухалил Чекалов ушбу соҳанинг ютуқ ва муаммолари, истиқболи ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.**

— Ҳозирда республикамизда асаларичиликка ихтисослашган 47 та хўжалик бўлиб, шулардан учтаси қайта оёққа тураётган жамоалар ҳисобланади.

Уюшма таркибидаги хўжаликлар ва хусусий тадбиркорлар ихтиёрида 350 мингта асалари оиласи бўлиб, йилига 1402,2 тонна асал ишлаб чиқарилмоқда. Бу кўрсаткич кўп миллионли халқимиз учун албатта, оз. Агар далилларга мурожаат этсак, уюшма тасарруфида бор-йўғи 78 мингта асалари оиласи қолганлиги, қолганлари эса хусусий тадбиркорлару фермерлар ҳиссасига тўғри келишининг шоҳиди бўламиз. Деярли барча асаларичилик хўжаликлари қарзлар ботқоғига ботиб қолган. Бунинг оқибатида эса, минг-минглаб асалари оилалари, ҳатто Сайхунобод, Сирдарё туманларида бутун бошли хўжаликлар тарқаб кетди. Бу ҳолдан на туман, на вилоят ва на республикадаги мазкур соҳа мутасаддилари ташвишга тушдилар. Ҳатто хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари фаолияти жиддий таҳлил этилмади. «Сен менга тегма» қабилида иш юритилди. Биргина 1998-99 йиллар оралиғида қарийб тўққиз ярим мингга яқин асалари оиласининг йўқ бўлиб кетгани ана шу иллатнинг салбий таъсиридир.

Бу ҳолни қандай атасак ҳам, хато қилмаймиз. Баъзи хўжалик раҳбарлари ишдаги нуқсон ва камчиликларини «шакар йўқ», «банклар кредит бермаяпти» деган баҳоналар билан пардаламоқчи ва бу билан эскича иш юритаётганларини яширмоқчи бўладилар. Ана шу камчиликларнинг, жумладан, асаларичилик хўжаликларининг йўқ бўлиб кетиши-ю, асалари оилаларининг камайиши нафақат масъулиятсизлик ва хўжасизлик натижаси, балки бунга соҳада жон койитувчи мутахассисларнинг етишмаслиги ҳам жиддий сабаб бўлди. Эътироф этиш керак, республикамизда мазкур соҳа мутахассисларини тайёрловчи илмий даргоҳ йўқ. Ҳозиргача чорвачилик илмий-текшириш институтида кичик бир гуруҳ ташкил этилган, холос. Ҳозир асаларичиларимиз фақатгина асал етиштириш билангина шуғулланаяпти. Ваҳоланки, биргина асаларидан бир неча маҳсулот олиш имкониятимиз бор. Айтайлик, бир йилда 390 килограмм ари захри, 7-8 тонна асалари сути, шунингдек, кўплаб гул чанги ва елими олишимиз мумкин. Жаҳон бозорида 1 килограмм асалари сути 440 килограмм соф асал нархида баҳоланади. 1 килограмм асалари захри эса 100-120 доллар туради. Асалари маҳсулотлари чиқиндилари нафақат тиббиётда, балки кимё саноатида ҳам ноёб маҳсулотлар сирасига киради. Кўриниб турибдики, биз ана шу маҳсулотлардан мўмайгина даромад топишимиз мумкин. Бунинг учун жаҳон бозорига чиқишимиз керак. Асалари сути, захри, гул чанги ва елимларидан дори-дармон ишлаб чиқариш учун, уларни буюртма асосида сотишни йўлга қўйиш жоиз. Шунингдек, хорижлик сармоядорларни ҳам маҳсулотни қайта ишлайдиган ва қадоқлайдиган корхоналар қуришга, биз билан ҳамкорлик қилишларига эришишимиз керак.

Зеро, Юртбошимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида айнан шу масалага, яъни **салоҳиятли хорижий шерикларимиз билан яна ҳам фаол ва изчил иш олиб бориш, улар билан ҳамкорликда замонавий, дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги-янги қўшма корхоналар тузиш лозим**лигига алоҳида тўхталиб ўтди. Ҳозир шу мақсадда Исроил, Туркия, Германия, россиялик ҳамкорларимиз билан музокаралар олиб бораяпмиз. Ишонамизки, яқин ойлар ичида мазкур масала ҳам ўз ечимини топади. Агар режамиз амалга ошса, нафақат жаннатмонанд юртимизнинг тоза асали ва маҳсулотлари дунёга чиқади, балки ҳозирга қадар жуда катта маблағлар эвазига четдан келтирилаётган турли идишлар, бидон, асал олгич, тутатгич, асалари қутиларини ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти ҳам туғилади.

Соҳани ривожлантириш, истаймизми-йўқми, маблағга бориб тақалади. Шу боис асаларичилик хўжаликларига банклар томонидан имтиёзли, кам фоизли кредитлар берилса айни муддао бўларди.

Айрим мамлакатларда асаларичилар экинларни чанглатишдан ҳам мўмайгина даромад қилишади.

Масалан, Германия, Исроил ва бошқа бир қатор мамлакатларда фермерлар экинларини чанглатиб берганликлари учун уларга катта маблағ тўлайдилар. Бизда эса... Асаларь оилаларини экин майдонлари яқинига жойлаштириш учун ҳам турли-туман идоралардан рухсат олиш керак. Ваҳоланки, экинларни асаларилар ёрдамида чанглатиш орқали мўл ҳосил етиштириш мумкин. Пахтадан ва бедa уруғидан юқори ҳосил олингани тажрибада исботланган. Назаримда, олим ва мутахассисларимиз юқоридаги масалаларни синчиклаб ўрганиб чиқиб, уруғликка мўлжалланган ерларни асаларичилик хўжаликлари тасарруфига бериш маъқул эканлигини исботлаб берсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Очиғини айтганда, бугун асаларичилик билан шуғулланувчи хусусий тадбиркорлар кўпчиликни ташкил этади. Табиийки, улар етиштираётган маҳсулотлар сифати ҳам ҳар хил. Табиий асал кўп, асал аралаштирилган шакар қиёми ҳам кам эмас. Табиий асал турфа касалликка шифо бўлса, сифатсиз маҳсулотлар турли касалликлар, хусусан, қандли диабет касаллиги билан оғриган беморлар аҳволини оғирлаштиради.

Ёдингизда бўлса, яқинда балиқчиликни ривожлантириш бўйича дастур қабул қилинганди. Бу мазкур соҳа ривожида бош омил, дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Бугун асаларичилик соҳаси ҳам эътиборталаб бўлиб турибди. Соҳани ривожлантиришнинг беш йиллик дастурини ишлаб чиқиш маъқулмикин.

Яна бир масала. Республикамизда мазкур соҳани ривожлантириш, яъни асалари уяларини 5 миллион донага етказиш имконияти мавжуд. Агар шундай қилинса, қўшимча иш жойлари пайдо бўлади. Тонналаб асал олишдан ташқари, асалари оиласи билан чанглатиш натижасида ҳар гектар ердан қўшимча 3-3,5 центнердан пахта ҳосили олиш имконияти ҳам туғиларди.

Элимиз дастурхонини «минг бир дардга даво» бўлган экологик соф ва тоза шифобахш асал ва асал маҳсулотлари билан бойитадиган кунлар яқин қолди.

**«Халқ сўзи» мухбири Мавжуда ХОЛМАТОВА ёзиб олди.**





*Қишлоққа саноатнинг кириб келиши минглаб маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш имконини берди.*

*Муҳими, кеча далада қўллари қадоқ бўлиб меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз бугун жаҳон андозаларига мос, энг замонавий дастгоҳларни моҳирлик билан бошқариб, кўзни қувонтирадиган, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Улар яратаётган маҳсулотлар жаҳон бозоридан ҳам муносиб ўрин эгалламоқда.*

*Бувайда ип-йигирув, тўқув ҳиссадорлик жамияти ана шундай корхоналардан бири. Бу ерда ўтган йили 15 миллион пагонометрга яқин бўз ва дока ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулотлар юқори сифати ва бежиримлиги боис барчага манзур бўлмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: моҳир тўқувчилар Шарофат Эргашева ва Азиза Қўлдошева иш устида.**

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ҚАЙТА КЎРИЛМОҚДА

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида ҳамда Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маърузаларида Ўзбекистон банк тизими олдига катта вазифалар қўйилиб, унинг кейинги йўналишлари белгилаб берилган эди. Марказий банк ана шу вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун махсус ишчи гуруҳи ташкил этди.

Мазкур ишчи гуруҳи иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, жорий йилнинг 1 апрелигача Марказий банкнинг амалдаги барча меъёрий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, тижорат банкларининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркорларни дастлабки сармоя билан таъминлашга қаратилган мустақилликларини ошириш, ислоҳотларни жадал ривожлантириш талабларига жавоб бермайдиган меъёрий ҳужжатларни эса бекор қилиш борасида таклифлар тайёрлайди.

Меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва замон талабларига мослаш чоғида ишчи гуруҳига маҳаллий ва хорижий ишбилармонлар, мутахассислар ва чет эл мамлакатлари экспертларининг фикр-мулоҳазаларини ҳам эътиборга олиш тавсия этилди.

*Марказий банк янгиликлари*

# ИЛМИЙ КЕНГАШ ТУЗИЛДИ

Республика банк тизими олдига қўйилаётган устувор вазифаларни амалга ошириш ҳамда замон талабларига жавоб берадиган билимдон ёшларни тизимга жалб этишни такомиллаштириш мақсадида Марказий банк ҳузурида махсус Илмий кенгаш ташкил қилинди.

Банк-молия соҳаси билан шуғулланадиган таниқли олимлар, мутахассислардан иборат кенгаш аъзолари банк тизими барча бўғинлари ходимларининг иқтисодиётни эркинлаштириш, тизимда ўтказилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича ўтказилажак семинарлар мавзуларини белгилаб боради.

— Бу семинарларда Марказий банк ва тижорат банкларининг барча бўғинларида ишлаётган мутахассислар, ҳатто талаба ва аспирантлар ҳам иштирок этиши кўзда тутилмоқда, — дейди Марказий банк раисининг ўринбосари, мазкур илмий кенгаш раҳбари, иқтисод фанлари доктори Ашур Қодиров. — Илмий кенгаш аъзолари семинарларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни ўрганиб чиқиб, илмий-амалий жиҳатдан аҳамиятга моликларини Марказий банк бошқарувига тақдим этиб боради. Бундай таклифларни билдирганлар Бошқарув йиғилишларида қатнашиб, ўз фикрларини ҳимоя қилиши учун шароит яратилади.

Шунингдек, илмий кенгаш ўтказилажак семинарларда ўзининг ҳар томонлама чуқур билимини намойиш этган қатнашчиларнинг билим савиясини янада ошириши учун аниқ таклифлар тайёрлаб боради.

Булар ўз навбатида тизимда ёш кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш, тижорат банкларида раҳбар кадрлар захирасини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**А. ҲАЙДАРОВ.**

Ўткир тиғ остида

# ВИЖДОНИМ АЗОБЛАНМАСИН ДЕСАНГИЗ...

**Мамлакатимизда Ўзбекистоннинг келажаги ҳисобланган ёш авлоднинг тарбияси, таълим олиши билан боғлиқ қатор ижтимоий дастурлар ишлаб чиқилиб, улар амалиётга татбиқ қилинмоқда. Ана шуларнинг орасида энг салмоқлиси Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ҳисобланади. Бу дастурда таъкидланган мақсадларни амалга ошириш учун ҳукуматимиз давлат бюджетидан зарур маблағларни ўз вақтида ажратиб бермоқда.**

Минг афсуслар бўлсинки, «Гуруч курмаксиз бўлмайди» деганларидек, халқ таълими соҳасида ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиб, давлат ғазнаси билан шахсий ҳамёнларини адаштириб, ҳеч иккиланмасдан келажагимиз бўлган ёшларнинг ҳақига хиёнат қилаётган нусхалар борлиги ачинарли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг Бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш бошқармаси ходимлари томонидан 1999 йил давомида текширилган ҳар бир халқ таълими муассасасининг деярли иккинчисида бюджет маблағларини суиистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланди. Бу борада халқ таълими ходимларининг камомад ва ўғирликлар орқали етказган зарарлари эса жами 43,5 миллион сўмни ташкил этди.

Мана ўшалардан бир неча мисол. Бировнинг ҳақига хиёнат қилиш гуноҳ эканлиги маълум. Зеро, ўзгаларнинг ёрдамига муҳтож ногиронларнинг ҳақига хиёнат қилиш ундан-да гуноҳдир.

Ана шу ҳикматли гапларни Бухоро шаҳридаги карсоқовларга мўлжалланган 123-сонли махсус мактаб-интернатдаги айрим «саховатпеша»лар унутиб қўйишган кўринади. Гап шундаки, мактаб-интернатнинг 1998-1999 йилги хўжалик фаолияти элакдан ўтказилганда, ғазна ҳисоботлари ғазначи томонидан тузилиши лозим бўлса-да, улоқни ўзгага беришни эп кўрмайдиган бош ҳисобчи Абдулла Ҳотамов бу борада «ўзим хон, кўланкам майдон» қабилида иш тутган. 1999 йилнинг август-сентябр ойларида ходимларнинг имзоларини қалбакилаштириш, нақд пулларни ғазна ҳисоб-китобларидан харажатга чиқармаслик натижасида А. Ҳотамов 695 минг сўмни ўзлаштириб юборган.

Назаримизда, келтирилган мисол орқали газетхонлар А. Ҳотамовнинг «майда-чуйда» ишларга аралашмай, фақат катта-катта «ейиш»га одатланганлигини англашган бўлса ажабмас. 1998 йил ва 1999 йилнинг 9 ойи мобайнида бу «азамат» ҳисобхона ҳисоботларини чалкаштириб юргизиш оқибатида ходимларга иш ҳақи ва нафақалар тўлангач, пултўлов ҳужжатларидаги рақамларни сунъий равишда ўзгартириш, улардаги ходимларнинг имзоларини қалбакилаштириш, ҳужжатлардаги йиғиндиларни кўр-кўрона ошириб кўрсатиш натижасида салкам 1,5 миллион сўм нақд пулларни ғазна ҳисоботларидан асоссиз чиқариб, ўзлаштиришга улгурган.

Мактаб-интернатнинг бош ошпази Ш. Қозоқовнинг ҳам иштаҳаси ўпқон экан. Унинг фаолияти текширувдан ўтказилганда, озиқ-овқатлар ва моддий бойликларнинг камомади борлиги аниқланди. Шуниси ачинарлики, ана шу давр мобайнида на мактаб-интернатнинг эндиликда собиқ директори К. Ҳамроев ва на бошқа ходимлар бўлаётган ишларга бефарқ қарашган.

Энди гапни Навоийдан эшитинг. Навоий шаҳридаги педагогика билим юрти директори Э. Тўхмуродов, бош ҳисобчи М. Ҳамроева, шунингдек, ғазначи О. Файзиева, назаримизда, биргалашиб давлат маблағларини шахсий мақсадларда ўзлаштириш бўйича анча-мунча тажрибага эга кўринадилар. Аввалига мазкур ўқув масканининг бош ҳисобчиси ва ғазначиси талабаларга бериладиган стипендияларнинг 4 та ведомостини қалбакилаштириб, 250 минг сўм пулни «гум» қилганлар. 1999 йилнинг июн ойида эса улар яна ана шу йўл билан энди 417,5 минг сўмни «жиғилдон»га урганлар. «Еган саринг, егинг келар», деб бежиз айтишмаган-да.

«Қаҳрамонлар»имиз бюджет маблағларини ўғирлаш билан кифояланиб қолмаганлар. Бу «шоввоз»лар 275 нафар талабадан шартнома асосида ўқиш учун йиғилган 5,8 миллион сўм нақд пулдан муассаса ғазнасига бор-йўғи 2,2 миллион сўмни ўтказиб, қолган 3,7 миллион сўм нақд пулни «еб» юборишган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан аввалги йилларда ҳам ўтказилган тафтишлар давомида халқ таълими муассасаларида юқоридагига ўхшаш давлат маблағларини ўзлаштириш каби қонунбузарликлар аниқланганди.

Зикрилла Ҳабибуллаев ва Ҳамиджон Қаюмовлар Андижон шаҳар халқ таълими бўлимида моддий жавобгар шахс сифатида узоқ йиллар ишлашган. Мазкур ташкилотда раҳбарлар ўзгаришса ўзгаришдики, лекин бу икки моддий жавобгар шахс уларнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, турли хил ҳийла-найрангларни амалга ошириб келганлар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси ходимлари ташкилот фаолиятини тафтиш қилишгач, ана шу ҳийлалар очилиб қолди.

Мана, улардан айримлари. Ҳ. Қаюмов Андижон шаҳридаги «Н.Н.Н.» хусусий фирмасидан халқ таълими бўлимига қарашли мактаб ва болалар боғчаларига тарқатиш учун 431 минг сўмлик чинни пиёлалар харид қилган. Бўлимнинг «уддабурон» хўжалик мудири ўша тобда жиғилдони ҳақида қайғуриб, сотиб олинган пиёлалардан 4500 донасини Андижон шаҳридаги «Жаҳон бозори»да ҳар бир пиёланинг устига 3 сўмдан ҳақ олиб, сифатсиз пиёлаларга алмаштириб юборган ва у ҳаром йўллар билан топилган пуллар эвазига «ёниб» турган жиғилдонидаги «олов»ни босган.

Ҳ. Қаюмов ва З.Ҳабибуллаевнинг амалга оширган яна қатор найрангларидан мисоллар келтириш мумкин. Хусусан, 1997-1999 йиллар давомида, улар моддий-товар бойликларни мактаб ва болалар боғчалари хўжалик мудирларига ўтказмасдан, қалбаки юк хатларини тузиш, муассасаларнинг хўжалик мудирлари юк хатларига имзо қўйишгач, олинмаган моддий-товар бойликларни қўшиб ёзиш оқибатида салкам 212 минг сўмлик маблағни қонунсиз равишда харажатга чиқаришган, аниқроғи, чўнтакка урганлар. Шу билан бирга, тафтиш вақтида бу икки «шоввоз»нинг зиммасида 91 минг сўмдан зиёд моддий бойликлар камомади борлиги аниқланди.

Яна бир далил. Ҳ. Қаюмов Андижон вилояти «Таълим таъминот» бошқармасидан халқ таълими бўлимига қарашли мактаблардаги кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул бериладиган қишки кийим-кечакларнинг катта миқдорини қабул қилиб, вақтинча сақлаш учун уларни шаҳар мактабларининг биридаги спорт залига жойлаштирган. Бир қанча вақт ўтмай, кийим-кечаклар сақланаётган спорт залидаги ёнғин оқибатида давлатга салкам 12 миллион сўм зарар келтирилди. Ёнғин оқибатларини аниқлаш тергов зиммасида, чунки сақлаш учун қўйилган кийим-кечаклардан 1301 таси, яъни 3 миллион сўмликдан зиёдининг етишмаслиги билиниб қолди.

Моддий жавобгар шахслар ўз йўлига, бироқ халқ таълими бўлимидаги раҳбарлар ҳам бюджет пулларини аниқ мақсадларга эмас, балки ўнгга-сўлга пала-партиш сарфлашгани ҳам текширув давомида аниқланди. Ота-оналар фарзандлари учун тўланган бадаллар ҳисобига йиғилган 350 минг сўм, шаҳар молия бўлими томонидан озиқ-овқат харажатлари учун ажратилган 500 минг сўмни собиқ раҳбар А. Абдураҳмонов юмшоқ жиҳозлар харид қилиш учун Андижондаги турли фирмаларга ўтказиб юборган.

Тан олиш керак, бундай ачинарли ҳолатлар бошқа жойларда ҳам учраб туради. Зеро, ҳар қандай «қинғир ишнинг қийиғи» эртами-кечми ошкор бўлиши аниқ. Юқорида келтирилган мисоллардаги «қаҳрамон»ларимиз ҳам ҳуқуқ-тартибот органлари олдидаги суриштирувларда бошларини хам қилиб, «сўнгги пушаймон, ўзимга душман» дейишмоқда. Ҳаёт ўз йўриғи билан давом этаверади. Лекин давлат маблағларига, ўзгаларнинг ҳақига кўз олайтирувчилар виждонлари олдида азобланишмасмикин, деган ўй-хаёллар бизга тинчлик бермайди. Бунга халқ таълими мутасаддилари нима дейишаркин?

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги матбуот хизмати.**

